



Коммунистлар ҳокимият тепасига келгунча, миллат-чи хитойларнинг Шаркий Туркистонда коммунизмга карши курашиш истаклари йўклиги очик кўриниб турарди. Натижада, коммунизмга карши курашиш яна фақат туркистонликлар зиммасида қолди. Усмон ботир бу сафар ҳам хитой, ҳам рус коммунистларига карши курашни давом эттирди. Унинг бу курашига Шаркий Туркистондаги коммунистик кўшинларга карши ҳаракатда бўлган дунган генерали Ма Бу Фангнинг аскарлари ҳам қўшилди.

Усмон ботир бу кураш йўлида бирмунча сафдошлар орттирди. Уларнинг орасида Кумул (Хоми) козоклари сардори Шарифхон, Кумул шаҳри волиси генерал Йўлбарс, Шаркий Туркистон жумҳурияти собиқ молия нозири Жонимхон хожи, узумчил Ўрозбек, Или ўлкасидан Ориф Раҳмон, Қорашаҳар теварагидан Алибек Раҳим ва бошқалар бор эди.

Коммунистлар билан туркистонлик миллатсевар-лар орасидаги тўқнашув аёвсиз суръатда кечди ва кўп қон тўқилди. Шунга қарамай, коммунистлар устунлиги кўриниб турарди, чунки қурол-аслаҳа, озик-овқат ва қийим-кечакдан улар ҳеч бир қийинчилик сезмасди. Миллатсеварларнинг на қеракли микдорда озик-овқати ва на замонавий қуроллари бор эди. Мужоҳидлар 1947 йилдан то 1949 йилгача Урумчидаги Америка консулиги орқали Америкадан ёрдам олишга уриндилар, лекин ҳаракатлари зое кетди. Мужоҳидларнинг ўз қучларидан бошқа бирон-бир суянчиги йўқ эди. Қаршилиқ ҳаракатининг салоҳиятли йўлбошчиларидан бири Жонимхон хожи 1950 йил 12 декабрда асир олиниб, Урумчига келтирилди. Юзи қорага бўялган, қўл-оёқларига занжир урилган

ва бўйнига «Коммунизмга карши курашган хоин» деган ёзув осилган холда у кўчалардан олиб ўтилди ва 1951 йил 4 апрелда ўлдирилди. Мустакиллик ҳаракатининг энг машҳур курашчиси бўлган Усмон ботир Кансудаги жангда (1951 йил 6 февраль) асир олинди ва Урумчида осиб ўлдирилди (1951 йил 29 апрель]. Усмон ботир асир тушишидан аввал сафдошлари коммунистлар билан курашда энди зафарга эришишнинг иложи йўқлигини айтдилар ва чет элга кетишни тавсия қилдилар. У ўз мамлакатидан чикиб кетиш ҳақидаги гапларни эшитишни ҳам хохламади. Усмон ботир (Усмон ботир (1889 - 29. 4. 1951) ҳақида қаранг: Hizir Bek Gayretullah, Osman Batur, Istanbul. 1966.) доимо зафар қозонишига ишонди. Шу билан бирга у мамлакатни тарқ этмокчи бўлган ҳар бир шахсга бутун имконияти доирасида ёрдам берди.

1951 йилда коммунистлар барча миллий исёнларни бостирдилар. Коммунистик ҳокимиятни мустаҳкам ўрнатиш учун ҳамма ерда «Ҳарбий назорат кўмиталари» тузилди. Урумчидаги мустабид коммунистлар 1951 йил апрелигача Шаркий Туркистонда коммунистларга қарши курашган 72805 кишини ўлим жазосига ҳукм қилдилар. Уларнинг орасида 93 нафар Шаркий туркистонлик машҳур антикоммунист ҳамда Шаркий Туркистоннинг энг биринчи туркистонлик бош волиси Масъуд Сабрий ҳам бор эди. Факат Кошгар шаҳрида 1951 йил 1 сентябргача 15000 га яқин туркистонлик қўлга олиниб, улардан 5000 дан ортиги отиб ташланди.

Катагон Туркистондан оммавий равишда қочиш бошланиб кетди. Коммунистлар ҳокимиятга келгач, Шаркий туркистонлик 150 000 дан ортиқ киши ўз ватанидан қочишга мажбур бўлди. Уларнинг кўпчилиги коммунист аскарлар томонидан отиб ташланди, катта қисми Хиндистон томон йўл олар экан, даштда, тоғда очликдан, сувсизликдан ва қасалликдан ҳалок бўлди. Шаркий Туркистондаги ўша дахшатли фожиа ҳақида ҳозир ёзма манбалар ҳам мавжуд (Шаркий Туркистондан қочкин ҳақида қаранг: 1961.

Хитойдаги коммунистик қатли ом ва Шаркий Туркистоннинг коммунистик тузумига қаршилиқ юзасидан қаранг: Lias, Biyyik Karak Gdfii; Hasan Oraltay, Hiirriyet Ugrunda Dogu Tiirkistan Kazak Tiirkleri, izmiz 1961. M.Refik Han, Islam in Chins, 53-121; Alptekin, Temir perde arkasindaki \$arki Tiirkistan, MT 1951, 75 A сони. 23 - 27 6.). Ватандан кетишнинг аччиқ азобини тотган ҳар қимса дахшатли ҳақиқат ҳақида, яъни бутун бир миллатнинг кўркинчли фожияси ҳақида ёзилган ҳар қандай ҳикоядан кўра унинг кўрган-кечирганлари таъсирлироқ эканлигини билади.

Коммунистлар зулм йўли билан Шаркий Туркистонда ҳокимиятни ушлаб қолгач, ўз ваколатини келажак авлод учун ҳам мустаҳкамлаш учун тадбирлар кўра бошлади. Хитой ва Русиянинг кўп йиллар давом этиб келадиган орзуси Шаркий Туркистон нефти ва бошқа ерости бойликларига эришиш эди. Энди 1940 ва 1949 йиллардаги эски ахднома лойиҳалари шўролар ва Хитой коммунистик тузуми раҳбарлари орасида музокара асосига айланди.

1950 йил 27 мартда Хитой билан Шўро иттифоқи орасида икки номсиз ширкат қурилиши хусусида Москвада шартнома имзоланди. Бу ширкатларнинг бири нефть учун, иккинчиси турли маъданлар учун тузилган бўлиб, 30 йилга мўлжалланган эди.

Бу шартномага кўра шўролар ва хитойлар Шаркий Туркистоннинг нефть ва бошқа маъданларини ташиб кета бошлади. Ўз қарама-қаршиликларини амалга ошириш учун ҳар икки томон жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Хитойнинг нефтьга бўлган эҳтиёжини батамом қоплашга ҳисса қўша оладиган Қорамоё нефть қонларида 1954 йилда тезлик билан бургулар ўрнатилди.

Шаркий Туркистондан ерости бойликлари ташиб кетишда Хитойлар билан руслар гўё

хамжихатдай кўринарди. Лекин Хитой 1954 йил 12 октябрда ҳар икки ширкат ёпилгани ҳақида хабар берди. Шўро мутахассислари ва масъуллари орқага чекинишга мажбур бўлди. Ерости бойликларидан воз кечиш ҳарбий мавқеидан ҳам воз кечиш дегани эди. Шўро ҳарбий қисмлари Олой, Или ва Тарбағатой ўлкаларидаги ҳукмронлигини ҳозирги кунга қадар ўз қўлида сақлаб қолишга интиломда.

Ғарчи Шаркий Туркистон номига Хитойга қарам бўлса ҳам, аслида, 1952 йилгача келиб чиқиши Ғарбий туркистонлик шўронинг ишончли одамлари томонидан бошқарилиб келинади. Масалан, Шаркий Туркистон коммунистик партияси раиси Сайфиддин Азизов Ғарбий туркистонлик шўро одами эди. Кўринадик, Хитой коммунистлари Шаркий Туркистонда ҳокимият идораларини майдонга келтиришда бу ерда 1933 йилдан бери қатта тажриба орттирган шўроларга кўп жихатдан қарздордир.

Шўро ўқув дастурлари ва ўқиш китобларидан бу ерда 1955 йилгача кенг қўлланилди. Дарсликларнинг аксарияти Ғарбий Туркистонда яратилган эди. Шўро иттифоқи тараққиёти тарихини ўрганишга Хитой давлати тарихини ўқиб-билишдан кўра кўпроқ аҳамият берилган эди. 1957 йили Хитой маориф нозирлигининг бир комиссияси мактабларда Маонинг суратларидан кўра Ленин ва Сталин суратларининг кўпроқ осилганлигини ва кўпинча болалар «Яшасин Шўро иттифоқи!» деб хитоб қилишларини таъкидлаб ўтган. Урумчидан радиостанциялар турки тилда жуда қам эшиттириш бергани ҳолда шўролар Фрунзедан, Олмаота ва Тошкентдан қунига бир неча марта Шаркий Туркистонга эшиттириш ташкил қилган эди. Шўроларнинг радиоэшиттиришлар ва ташвиқот шiorларидан мақсади Шаркий Туркистон халқининг ўзига мойиллигини орттиришдир.

1954 йилда араб ёзуви ўрнига рус ёзуви қабул қилинди. Фақат бу ёзув 1956 йилдан бошлаб бекор қилинди.

Шўроларнинг Шаркий Туркистондаги турли тадбирлари билан хитойлар чиқиша олмас эди. Бу, айниқса, халқнинг шўро мафқураси ва сиёсати таъсирига тушиши мавзусида кўзга яққол ташланади - ҳар икки давлат ҳам муштарак давлат тарзи учун бир асос таъминлашга ҳаракат қиларди. Мисол учун 1954 йил 12 октябрда Ланчау - Урумчи - Олмаота темир йўли қурилиши юзасидан шартнома имзоланди. Бу темир йўл «Коммунизмнинг пўлат йўли» сифатида Хитойни Оврўпо билан ва Россияни Хитойнинг шарқий соҳиллари билан боғларди. Бу лойиҳага «Абадий дўстликнинг йўли» номи берилганди. Шўролар 1960 йил охирида режада кўрсатилган ўз темир йўл қисмини - Октўгайдан (Туркистон - Сибирь темир йўли) Хитой чегарасигача (Жунгор қопқаси) - қуриб битказди. Хитойлар эса бунга муқобил равишда фақат Урумчигача бўлган қисмини қуролдилар. Мўлжалда эса темир йўли 1959 йили тўлиқ ишга туширилиши лозим эди. Қизиги шундаки, хитойлар қурилиш бошланишида кўпроқ гайрат-шижоат кўрсатган бўлса, фурсат ўтиши билан ҳаракат тесқари томонга ўзгарди. Шу сабабдан Шўро иттифоқи ва Хитой Шаркий Туркистонда темир йўл орқали боғланмай қолди.

Маълумки, Шаркий Туркистондаги Россия-Хитой чегарасининг узунлиги 2600 км дан ортиқроқдир. Ҳар икки давлатнинг ўз чегараларини мустаҳкамлаш учун сарф-харажатларини кўрсангиз, ёқа ушлайсиз. Бу ҳатти-ҳаракатлар ҳар икки давлат Туркистон ерларига тез ва мустаҳкам ўрнашиб олиш учун интиланларини кўрсатади. Шўролар 1953 йилдан бери Ғарбий Туркистонга сурункали равишда русларни кўчириб келтирмоқда. Ҳозир аҳвол шундайки, Туркистондаги барча чегара қизикларида руслар кўпчилиқни ташкил қилади. Бундан ташқари бу ерларда кўплаб захирадаги аскарлар ушлаб турилади. Бунга муқобил равишда хитойлар ҳар нима қилиб бўлса ҳам Шарқий

Туркистонга жойлашиб олишни бошладилар. Хатто шунга бориб етдики, Хитойнинг шимоли-шаркий ўлкаларига ва унга ёндош бўлган Шаркий Туркистонга имкони борича киска муддатда 90 миллион хитой кўчирилиб жойлаштирилиши режалаштирилди. Хозиргача бу ерларга кўчириб келтирилган хитойлар орасида «химоячи дехконлар» сифатида сон-саноксиз хитой аскарлари гарбий чегараларда ўтроклаштирилди. Чегара бўйлаб эркин ҳаракат чеклаб қўйилди. Чегара икки томондан ҳам каттиқ назорат қилинмоқда ва икки тарафга ўта хушёрлик тавсия қилинмоқда.

Шу нарса аёнки, Шаркий Туркистонда коммунизм мафкуравий жихатдан яхлит гоёдек кўриниши билан, сиёсий куч сифатида таъсирга эга эмас. Марксизм ва ленинизм назариясининг Шаркий Туркистонга таркатиш борасида ҳар икки куч иттифок бўлишига қарамай, ҳокимият доирасини кенгайтириш ва коммунизм гоёси таъсири хусусида ихтилоф мавжуд. Уларнинг ҳар бири иккинчисини Шаркий Туркистоннинг мутлақ ҳокими сифатида тан олишни истамайди.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шаркий Туркистонда коммунистик тузум қуриш жуда илгарилаб кетди. Коммунизмни халқ учун тушунарли ҳолатга келтириш учун аввало, маъмурларни маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилди. 1954 йили Урумчида «Кичик миллатлар олийгоҳи» ташкил этилди, унда 860 талаба тахсил олиши ҳисобга олинган.

Шаркий Туркистон давлат маҳкамаларида 30500 маъмур ишлаб, унинг 57,7% ини маҳаллий мутахассислар ташкил қилади. 1952 йили Шаркий Туркистондаги Хитой коммунистик партияси маъмурларининг 22,3 % ерлик аҳоли вакиллари эди. 1957 йили идоралардаги маҳаллий маъмурлар миқдори ҳамма маъмурларнинг 54 % ни ташкил этиб, умумий сони 6700 га етди. Хитой коммунистлар партияси Шаркий туркистонликлар ҳисобида ўз сонини кўпайтиришга интилди. 1957 йили Шаркий Туркистонда 92000 дан ортиқ коммунист бўлиб, уларнинг 44000 дан ортиги маҳаллий аҳолидан эди. Фақат коммунистик қараш ва тадбирларни ёритиш учун 44 газета фаолият олиб боради. Кенг тадбирлар қўлланилиб, дехконлар коллектив-лаштирилди. Коллективлаштиришдан олдин ислом дини аҳкомчиларини бу тадбирларга жалб қилиб, 1949 йилдан 1953 йилгача ер ислохоти ўтказилди (Хитой коммунистик партияси МК Синкианг бюроси қотиби Ван Енмао Қошқарда 1953 йил 5 январида шундай деди: Синкианг қаби кўп миллатли ва аҳолиси исломга боғлиқ ўлкада ер ислохотини амалга ошириш учун дин аҳдини ёлғиз бир антифеодал жабҳага тўплашга уринишимиз, ер ислохотининг муҳофазасини қутиш қаби ижобий бир ниятдир». Киёсланг: Вахамов, Кооперирование сельского хозяйства Синцяно-Уйгурского автономного района, «Труди сектора востоковедения», Алма-Ата, 1959,12-бет.). 1957 йилнинг охирига қелиб, қишлоқ оилаларининг 95,9 % (834 571 оила) 10 781 ишлаб чиқариш кооперативла-рига бириктирилди. 1960 йили 532 та кооперативга «532 халқ коммуналари» номи берилди. Бундан ташқари, 74та давлат мулки ташкил қилинди. 1961 йилда (10.11.1961) Урумчи радиоси ахборотида кўра фақат аскарларнинг ўзи 1,6 миллион гектарни ўзлаштириб, 146 та қўшин мулки ташкил қилган. Уларнинг ёрдамида 1950 йилдан 1960 йилгача 2 миллион гектарга яқин ер очилган. Бу ерларда давлат (қўшин билан бирга) замонавийлашган феодализм ҳокимиятини такомиллаштирди. Яна 1956 йили ўз ҳолига мавжуд бўлган тижорат ўрнига 23875 давлат савдо муассасалари қурилди. Натижада, тижоратнинг 95,64 % давлат яқка ҳокимлиги (монополия) қўлида бўлиб қолди.

Хитойлар Шаркий Туркистонда ўзларига ҳос миллий сиёсат олиб бордилар. Улар бу ерда 13 та «миллат кашф этилди. Уларни «Шинг-Жонг уйгур мухтор ўлкаси» номи билан

бирлаштириб, кайтадан 10 мухтор ноҳия-ларга таксим қилишди. Бу билан яхлит мамлакат парча-парча бўлиб бўлиниб кетди. Оқибатда коммунистлар Шаркий Туркистондаги турк халқи уруғларини - уйғурлар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқаларни бир-биридан ажратиб, Хитой ҳокимияти остида бошқариш ҳақидаги бош воли Шенгнинг бир пайтлар амалга оширолмаган ниятини рўёбга чиқардилар. Парчалаш ва мухторият сиёсати йўли билан Хитой халқ жумҳурияси, ғўе Хитой императорлиги яхлитлигини йўқ қилмоқчи бўлди. Шўролар ва хитойлар пролетар диктатурасини ёйиши, хусусий мулкни йўқ қилиш ва маҳаллий аҳолини давлат ҳамда партия идоралари хизматида олишдан қутган натижалари борасида бир-бирига жуда ўхшашдир. Хар икки давлат ҳам ўз миллий сиёсатида тараккийпарвар ва ўзгарувчан бўлиб кўринади. Хитойлар бир давлат ичида мухторлик берилиши миллатлар учун энг яхши йўл, деб биладилар. Руслар эса шўро федерализми факат мулк ва идоравий ҳуқуқлардан ташқари миллат учун сиёсий ҳуқуқларни ҳам беради(Котов, Местная национальная автономия, 64-6.: «Хитой халқ жумҳуриясидаги маҳаллий мухториятнинг хусусиятларидан бири асосий кўпчилиқни ташкил қилувчи халқ демократияси сифатида Хитой давлати доирасида тузилишидир. Бу мухторият Шўро иттифоқида миллий давлат бунёд қилиш федератив давлат шароитлари доирасида амалга оширилади» бир замонда юзага келмоқда». Синкианг уйғур мухтор ўлкасининг ташкил топганлиги расман 1955 йил 30 сентябрида эълон қилинди. Ўлка учун яратилган (9 июль 1956 й.) низомномада: Синкианг уйғур мухтор ўлкаси марказий давлат (Хитой давлати назарда тутилади - таржимон) органлари қонунларига, қарорларига тамоман мос бўлиши ва уларни сўзсиз бажариши лозим», деб ёзилган. Қиёсанг: Котов, Местная национальная автономия, 81-6. Шаркий Туркистоннинг собиқ волиси Шенг Шаркий Туркистонни «жонли этнографик музей» деб таърифлаган. Қиёсанг:

156-6. Шаркий Туркистон коммунистик Хитой қўл остида ҳам бу «сифатияни саклаб қолишига тўғри келди, чунки амалда мухторият берилмади. Махмуд Қутлиев, Народа не обмануть, «Правда Востока», 17.9. 1964, 3-бетдаги мақолада шундай ёзади: «Хитой раҳбарияти 1955 йилда Синкиангни Уйғур мухтор ўлкаси деб эълон қилди. Бу бир қабиҳ алдов эди». Муаллиф Пекиннинг Шаркий Туркистон раҳбарларига уйғурлар, ўзбеклар, қирғиз ва татарлар хитой миллатининг уруғлари, қавмлари эканлиги уқдирилган яширин қитоб юборилганлигини баён қилди. Хитой коммунистлари худди ўзининг рус ўртоқлари қаби хитой бўлмаган миллатлар мустақиллиги ҳақидаги ваъдаларини амалга оширмадилар. Мао Цзе Дун 1931 йил 1 декабрда шундай ёзган эди: «Хитойдаги коммунистлар озодлик гоёсини, яъни хар қандай қичик қавмнинг Хитойдан ажралиб мустакил давлат қура олишини тан олади». Буни қарангки, 1949 йилги Хитой Халқ жумҳурияси ўқийириги энди бошқачароқ ёзади: «Хитой Халқ жумҳурияси янгида Бирлашган миллатлар давлатидир. Бу миллатларнинг ерлари Хитой Халқ жумҳуриясининг ажралмас бир бўлагидир».).

Фарқли қарашлар қандай бўлса бўлаверсин, аммо шу нарса ҳақиқатки, Туркистоннинг хар икки бўлаги (Гарбий ва Шаркий Туркистон) ҳам коммунизм йўли билан иқтисодий мустакиллик ҳуқуқини қўлга қирита олмади. Коммунистик ҳокимият остидаги Шаркий Туркистон идора усулида бирор бир ўзгариш содир бўлмади. Бу идора усулига кўра Шаркий Туркистон бир қанча миллат вақили (ташки қўринишида), Халқ қўмитаси (ҳуқумат) ва 15 бошқарма (деҳқончилик, соғлиқ, маданият, халқ таълими, ички ишлар, ҳавфсизлик, адолат, сугориш, давлат назорати, молия, озиқ-овқат, саноат, ички ва ташқи савдо, қорвачилик ва ўрмончилик, 10 идора маҳкамаси, 4 қўмита ва 3 бошқарма (ташки

ишлар, диёнат ва радио) воситасида бошкарилди.

Коммунистик партия ва Хитой давлати туркистонликларнинг миллий мустакиллик учун кураш гоёларини мутлако йўқ кила олмадилар. Миллатпарварлар мухторият талаби билан майдонга чиқар ва Хитой ҳукмронлигини рад этар эди. Улар мухтор ҳокимият тузилиши давлатнинг сиёсий ҳужжатларида кафолатланган бўлиши кераклигини кўрсатишар ва Шаркий Туркистонда Хитой давлат тарзи юритилишини, қабул қилинишини коралар эди. Ана шу боис Хитой ҳукумати миллатпарварлик нишонлари билан ҳам кураш олиб боришга мажбур эди. Бинобарин, Шинг Чанг КП раиси Сайфиддин Азизов 1957 йил декабрь ва 1958 йил апрель йиғилишларида: «Маҳаллий миллатчиликка қарши қатъий курашга киришамиз» мавзусида суҳбат ҳам уюштирган эди.

Хитой коммунистик партияси раҳбарияти Шаркий Туркистон коммунистик партияси етакчиларидан бир қисми (ҳозир миллатчи деб тушунтирилади) бутун ҳукуматни ерлик халқ ҳисобига тўлдиришни талаб қилганидан шикоят қилишди. Пекиннинг шикоятига кўра бу раҳбарлар Шингжонгдаги жуда кўп хитой мутахассисларига шубҳа билдирар ва мустакил бўлишга интилиб, коммунизмга қарши чиқдилар. Маҳаллий миллатпарварлар мустакиллик учун курашни Шўро иттифокидан ўрганганини қайд қиладилар. Уларнинг баъзилари «гайриинкилоб» кўзғолонларини «халқ кўзғолонлари» деб баҳолаб, ўзларини «гайриинкилобчи» деб кўрсатардилар. Улар динни ҳамма нарсадан устун деб билардилар. Маҳаллий миллатчилик буюқ хитойчиликнинг таъсири ва нуфузи натижаси сифатида майдонга келганлиги баҳонасида доимо партияга қарши бўлиш ва хитой миллатини сиёсий ҳодисалардан четга суришга интидилар. Улар, бундан ташқари, миллатларнинг аралашиб кетишига ҳам қарши эдилар.

Можаристондаги 1956 йилги инкилобга Хитойнинг лоқайд, бефарқ бўлиши ва шўро сиёсатини қоралашига жавобан шўролар Или ва Олой ўлкаларида фитна, тўполонлар уюштирди ва маҳаллий амалдорларни бўйсунмасликка ундадилар. Оқибатда Хитой руслар билан қелишишга мажбур бўлди. Яъни шўролар Шаркий Туркистондаги мустакиллик ҳаракати ҳақида, ўз навбатида, хитойлар Можаристондаги инкилоб ҳақида оғиз очмайдиган бўлишди. 1957 йил декабрда Кохирадаги Осиё ва Африка миллатлари конференцияси қуни Пекин радиоси қуйидагича овоза тарқатишга мажбур бўлди: «Миллатчи унсурлар Шингжонгни, Хитой халқ жумҳурияти бирлигини кўпоришга уриндилар». Бундай ҳаракатлар энди на Хитой ҳукуматининг ва на Шўро иттифокининг хабари бўлмасдан ҳам юзага чиқа бошлади.

1959 йил мартда Шаркий Туркистонни мустакил бир жумҳуриятга айлантирмоқчи бўлганлиги учун 78 нафар маҳаллий маъмур хибсга олинди. 1960 йилнинг ўрталарида халқ коммуналари сиёсатига қарши бўлганликлари учун 500 дан ортиқ дин ҳомийлари қўл-оёқларига занжир урилган ҳолда Урумчи қўчаларида сазойи қилинди.

Туркистонликлар билан хитойлар орасидаги тўқнашувлар шу зайдда давом этди. Шўро иттифоқи Шаркий Туркистон коммунист маъмурларидан ўз сиёсий мақсади йўлида фойдаланишга интилди. Шўроларни ёқтирувчилар оғзидан тез-тез Сайфиддин Азизовнинг: «Шингжонг халқлари Шўро иттифокининг ҳолисона ёрдамини ҳеч қачон унутмайдилар. Бу ўлкада нефть саноати, ҳар хил маъданлар ишлаб чиқариш, электр иншоотлари ва автомобиль таъмироҳоналари Совет иттифокининг ёрдами билан майдонга келганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилишга мажбурдирлар» деган гапларини такрорлайдилар. Гарчи бу даражада муҳолағали бўлмаса ҳам, Хитойга ҳам камтарона мадҳиялар ўқиб турилади.

Шўролар иттифоқи Шаркий Туркистонни ўзига қўшиб ололмагач, Хитойда ўз «ҳаракат

майдони»ни пайдо килди. Хитой халк жумхурияти эса зўр бериб Шаркий Туркистон Хитойнинг таркибий кисми деб таъкидлайди. Хитой ҳукумати Шаркий Туркистондаги барча муаммо ва ҳолатларга шўроларни айбдор ҳисоблаб, Шаркий Туркистоннинг миллий мустақиллигини эътироф қилишдан ўзини олиб қочади. Шу зайдда муҳолифларнинг ҳар бири Шаркий Туркистондан кўпроқ улуш олиб қолишга интиляпти. Шаркий Туркистон эса дунё афкор оммасининг эътиборидан четда қолиб, кўп азият чекмоқда.

Хитой халк жумхурияти ва Шўро иттифоқи бошчилари ўртасидаги 1953 - 1954 йилларда келиб чиққан мафкуравий номувофикликдан сўнг Хитой шўро русларининг Шаркий Туркистондаги нуфузини таг-томири билан кўпориб ташлашга киришди. 1960 йил ёзида барча шўро мутахассислари Шаркий Туркистондан чиқариб юборилди. Ҳозирга қадар чўзилиб келаётган ихтилофлар ҳдр икки катта давлатнинг бировлар ерига эгаллик қилиш борасидаги ғараз ниятларини очиб ташлади. Хитой раҳбарлари русларни Ўрта Осиёни империалист (босқинчи) сифатида эгаллаб туришда айбласа, рус раҳбарлари эса хитойларни Шаркий Туркистондаги ҳаракатларини қоралайди. Бир-бирига гуноҳни тўнкаш билан ҳар иккала давлат босқинчилик ниятидан воз кечмай, аксинча муштаҳамроқ ўрнашиб олишга интиломоқда. Н. С. Хрущёвнинг япон парламенти хайъатига 1964 йил 15 сентябрида Москвада билдирган фикри рус ва хитой империализмининг никобини очиб, ҳақиқий башарасини кўришда катта ёрдам беради. У бу баёнотида ҳар икки давлатнинг тарихий босқинчилигини таъкидлайди ва фақат бу иккала давлатнинг чегаралари «муқаддас»лигини далиллашга уринади (Хрущёв 1964 йил 15 сентябрда шундай дейди: «Пекинда Русия чор ҳукумати жуда кўп ерларни қўлга қиритгани ва бу ерларни ўз чегараси ичига қиритиб олганларини такрор-такрор таъкидлаш одат тусига кириб қолди. Биз Русия подшоларини ҳимоя қилмоқчи эмасмиз. Улар бошқа подшолар қаби босқинчилар бўлиб, бегоналар юртини босиб олиб, мулкларини эгаллаб, ўз мулкни, ерини қенгайтиришга уринарди. Фақат рус подшоларининг ва Хитой императорларининг ҳам ўтмишдаги босқинчилик урушлари бир хил усулда ва вазиятда баҳоланиши керак. Рус подшолари истило урушлари билан банд бўлганида, Хитой императорлари нима билан машғул бўлган эканлар? Улар ҳам рус подшолари қаби ҳудди шундай босқинчилик ва талончилик урушларини олиб борганлар. Хитой императорлари Қурияни, Мўғулистонни, Тибетни ва Синкиангни босиб олдилар. Мисол тариқасида Синкиангни олайлик. Бу ерда хитойлар қадимдан яшаганми? Синкиангнинг туб аҳолиси хитойлардан ахлоқ ва тил, яна бошқа кўп жиҳатлари билан қескин фарқ қилади. Булар уйғур, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллатлардир. Хитой императорлари уларнинг бўйнига бўйинтуруқ солиб, «мустақиллигига барҳам берди». Қиёсланг: «Правда Востока», 22.6.1964, 2-6. Шўро муаллифлари кейин яна шуни ҳам ёздилар: «Шаркий Туркистон Хитой босқини эвазига унинг бир ўлкасига айланди». Бу мавзуда яна қаралсин: К. Элчи, унинг бир Шаркий Туркистондаги вазият, МТ, 1965, 106-сон, 30 - 32 бет.).

Бу орада шўро ҳукумати Шаркий Туркистонни «Анти Мао-Цзе-Дун ўчоғи» ҳолига қелтиришга тиришдики, хитойлар бу фаолиятни бузғунчилик деб баҳолайди (Dodin, Territorial Claims, 31-32 б.: «1962 йилнинг апрель ва май ойларида СБКП раҳбарлари Хитой Синкиангидаги бутун маъмурият ва масъулларни ишга солиб, Или минтақасида қенг доирада игвогарлик ҳдракати олиб борди ва ўн минглаб Шаркий туркистонликларни Шўро иттифоқига қетишга зўрлади». 28.4.1964, шу хабарни берди: «Шўро катталари Синкиангга қўшни бўлган Олмаота, Тошкент ва Фрунзедаги оммавий ахборот воситаларини сафарбар қилдилар». Шаркий Туркистонда Русия ва Хитойнинг ўтмишда

ва хозирги тўқнашувлари хакида қаранг: Hans Braker, Sinkiangswischen der Sovjetunion und China, koln, 1969; Sinkiang im sowjetisch chinesischem Spannungsfeld, «Das Parlament» 10/70 (7 март, 1970) 3 - 37 б. Хитой Халқ жумҳурияти ташқи ишлар нозири Хен-йи шўро қисмлари 1960 - 1966 йиллар давомида Синкианг ўлкасида 5000 марта чегара дахлсизлигини эътиборга олмаганликларини 1966 йил майида очик баён қилди. Қаранг: Erwin Erasmus koch. Sowjetisch-chinesisch konflikt, «Das Porlament», 10/70, 60-6.). Шўро раҳбарияти Шаркий Туркистондаги аввалги чексиз нуфузи тобора қучсизланиб бораётганига кўз юмишга мажбур бўлди. Энди шўролар бу ерда лоқал ерости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини қайтадан қўлга қиритишга ҳаракат бошлади (Тўлиқ маълумот учун қаранг: Horry Hamm, Maskaus Interesse. an Sinkiang, «Frankfurter Allgemeine reitung» 13.12.1967, 2-6.). Хитой ҳуқумати ҳам ўзини ҳимоя қилиб, бир вақтлар Шўро иттифоқининг ашаддий тарафдори бўлган, Шингжонг уйғур мухтор вилояти халқ кўмитаси раиси Сайфиддин Азизовни шўроларга қарши ишга солиди (Азизов 1957 йилда шундай дейди: «Синкианг Уйғур мухтор ўлкаси миллатлари Шўро иттифоқининг ҳолисона ёрдамини унутмасликлари керак». Киёсланг: Котов, Местная... 192-бет. Айнан ўша Ashsob 1964 йили яна шундай дейди: «Чор Русиясининг кўрпасига бурканган империалистларнинг ашаддийларини йигиб олган Хрушчев, Синкианг Хитойга тегишли бўлмай, Или (Синкиангнинг бир қисми) ни шўро мулки деб даъво қилмоқда». Киёсланг: Dooling Territorial Claims, 1965, 71-6.). Бу икки ҳуқуматнинг ҳар қандай тортишувида Хитой ҳуқумати Шаркий Туркистонни Хитойга берилишини талаб қиларди. Бу ҳусусда муваффақиятга эришиш йўлини ҳам топди. 1953 йили Уйғуристонда 300 000 хитойлик яшаган бўлса, 1967 йили уларнинг сони 1 791 000 кишига (Хитой мусулмонлари дунганлар билан қўшиб ҳисобланганда 2 062 000) га кўпайди. 1953 йили умумий сони 4 218 000 бўлган туркистонликлар (уйғурлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар, татарлар, тожиклар) 1967 йили 5 726 000 га етдилар (Drew, Sinkiang in CAR 1968, 3-сон, 208-сон.). Яъни бу қавмлар 14 йил ичида 1,5 миллионга кўпайди. Иккинчи томондан эса бу маълумотлар қанчалик ҳақиқатга яқин ёки узоклигини кўр-сатувчи аниқ далиллар ҳам мавжуд эмаслигини айтиш лозим.

Шаркий Туркистон ерости бойликлари ва майдонининг қатталиги билан ҳам қаранг хитойларни эмас, балки қўпдан бери худди Ғарбий Туркистон қаби Русияни ҳам қизиқтириб қолганлигини кўриб ўтдик. Туркистоннинг ҳар икки қисми Русия ва Хитой учун асосий бойлик манбаи эди. Доимо рақобатда бўлган бу икки дахшатли қуч «қим қимни енгади?» шiori остида иш қўрди. Чунки ҳар икки давлатнинг таъйиқи остида бўлиниб яшашга мажбур этилган ва бу давлатларнинг қўғирчоғи ҳолига тушиб, тил, дин ва бошқа жихатдангина ҳамон бир яхлитликни ташкил қилган ҳолда яшашдан бошқа иложи қолмаганди. Туркистоннинг ҳар икки қисмида ҳам коммунистик режим ҳукм сургани ҳолда, уларнинг ораларидаги қелишмовчилик туфайли Шаркий Туркистон Хитойларнинг, Ғарбий Туркистон русларнинг айрим ҳаракатлар марказига айлантирилди. Русия ва Хитой коммунист раҳбарлари империалистик мақсадларини амалга ошириш учун коммунизмни, буюқ миллатчиликдан кейин иккинчи ўринда тушунаётганликларини алоҳида эътироф этдилар. Туркистон Русия ва Хитой империализмининг қурбони бўлганини тан олмай, айна пайтда ҳар икки босқинчи бу ўлкада эгалликни сақлаб қолиш орзусида бўлди. Агар вазият бошқача бўлганда эди, ўз миллий мавжудлигини ва мустақиллигини қўлга қиритиш учун бир неча бор қўзғалишига ҳеч бир эҳтиёж бўлмас эди. Биз ўрганган манбалардан кўринадики, туркистонликлар озодлик истагидан ҳеч қачон воз қечмаган. Миллий қураш суст ҳолда бўлса ҳам доимо

давом этган. Аммо икки «кудратли куч» орасида туркистонликлар чорасиз бир ахволда колган. Янги бир конли урушни бўйнига олиш учун хозирги дахшатли куроллар даврида, курол воситасида эмас, сиёсий талабларни кучайтириш лозимлигини идрок килмоқдалар. Айна вақтда асосий гоёси аввало халкнинг маънавий мавжудлигини саклаб қолишдан иборат бўлган ҳаракатлар кучаймоқда. Туркистоннинг Россия ва Хитой каби қўшни давлатлар томонидан узлуксиз тажовузга учрашида, шубҳасиз, Туркистон зиёлиларининг ноит-тифоклиги ҳам ўз таъсирини ўтказди. Фақат шу нарса аёнки, Туркистон тортган қўп машаққатлардан сўнг, бу ўлкада сезиларли равишда ўз-ўзини англаш, миллат кадриятларини саклаб қолишга интилиш кучли. Бу эса туркистонликларнинг ҳаётида бурилиш нуктасига эришиши ёки эриша олмаслиги бундан кейинги тарихий воқеаларга боғлиқлигини қўрсатиб турибди.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан